

995703322

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
Давлат бюджетининг Газна ижроси
қондаларига 8- илова

«Shavkat Gold Farm» МЧЖ ва Газли шаҳар касалхонаси билан
2 000 000 умумий суммадаги
2022 й. "11" 01.6 - сон шартномага

ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ

Боб _____ 054 _____
Шахсий газна ҳисобвараги 100022860062427073101054002 _____ (сўмда)

| 2022 й. ойлар номи | Харажатлар тури | | | Жами |
|--------------------|-----------------------------|-----------------------------|-----------------------------|-----------|
| | 42.52.412 (7073.101.054) | 42.52.411 (7073.101.054) | 42.52.410 (7073.101.054) | |
| Январь | 2 000 000 | | | 2 000 000 |
| Март | | | | |
| Март | | | | |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| Жами | 2 000 000 | | | 2 000 000 |

Жами: 2 000 000 (икки миллион) сум.
сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан 600000 ёки шартноманинг умумий суммасидан 30% 2022 йил январь ойининг 31-санасигача олдиндан тўланиши лозим.



Раҳбар


(имзо)

Ф.Р.Хасанов.

Бош ҳисобчи


(имзо)

Б.Х.Джаханова

Газначилик бўлинмаси
ходими қабул қилди
2022 й. « _____ » _____

(имзо)

Бюджетдан маблағ олувчи
ходими қабул қилди
2022 й. « _____ » _____

(имзо)

Дори-дармон ва тиббий воситаларни етказиб бериш тўғрисида Ш А Р Т Н О М А № 6

Бухоро ш.

«11» 01. 2022 й.

«Shavkat Gold Farm» МЧЖ (ташкилот, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Ж.Газиёв (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва Газли шаҳар касалхонаси (корхона, ташкилот, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, Ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи раҳбари Ф.Р.Хасанов (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

1. ШАРТНОМА МОҲИЯТИ.

1.1. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни талабномаси асосида мазкур шартномага илова қилинган спецификацияга асосан тиббий ускуна ва жихозлар учун реагент ва реактивлар билан таъминлаш, «Истеъмолчи» олган маҳсулот қийматини «Таъминотчи»нинг банкидаги тегишли ҳисоб-рақамига келишилган муддатда ўтказиб беришни ўз зиммасига олади.

1.2. Шартноманинг тузилган вақтидаги умумий чораклик баҳоси 2000000 (икки миллион) сумни ташкил этади. Етказиб берилган тиббий воситалар бўйича ҳисоб-китоблар мазкур шартноманинг графика асосида бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида, 2022 йилги харажатлар сметасидаги лимитлардан ошмаган ҳолда тўланади.

2. МАҲСУЛОТ СИФАТИ.

2.1. «Истеъмолчи»га ЎзРда фармакологик рўйхатдан ўтган, тиббиётда ишлатишга рухсат этилган, сифат, маркировка ва ўрамлари фармацевтик ва техник талабларига жавоб берадиган ҳамда сифат сертификатига эга бўлган, ишлатиш муддати 50% дан кам бўлмаган тиббий маҳсулотлар етказиб берилади.

3. МАҲСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ.

3.1. Шартномага илова қилинадиган тиббий ускуна ва жихозлар учун реагент ва реактивлар воситаларини етказиб бериш 2022 йил "31" январгача амалга оширилади.

3.2. Маҳсулотлар «Истеъмолчи»га ўзаро келишилган транспорт воситаларида тўлов талабномалари ва бошқа ҳужжатлар билан қўшиб жўнатилади. Юкни жўнатиш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар «Таъминотчи» нинг зиммасига юклатилади.

3.3. Гиёҳванд, прекурсорлар, захарли ва психотроп дори-дармонлар «Истеъмолчи» томонидан тегишли ҳуқуқий органлар томонидан махсус рухсатномалар билан «Таъминотчи» "Истеъмолчи"нинг омборхонасидан олиб кетилади.

4. ҲИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ШАРТЛАРИ.

4.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 2000000 (икки миллион) сумни ташкил этади.

4.2. Сотиб олиннадиган тиббий ускуна ва жихозлар учун реагент ва реактивлар учун олдиндан тулов миқдори 600000 сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг январь ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 1400000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил "31" январгача амалга оширилади.

4.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 13-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш назарда тутилган.

4.4. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

5. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1. Томонлар ушбу шартномани қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун мулкий жавобгардирлар.

5.2. Шартноманинг 4.1. бандига асосан «Истеъмолчи» маҳсулотнинг тўланмаган қийматини бир ойдан кечиктириб тўлашга йўл қўйса, кечиктириб тўланаётган суммадан ҳар бир кун учун 0,5% «Таъминотчи»ни фойдасига пеня тўлайди. Лекин пеня қиймати тўлов суммасининг 20% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Шартноманинг 2.1. бандига асосан «Таъминотчи» томонидан сотилган маҳсулот сифатсизлиги тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланса, у ҳолда «Таъминотчи» сифатсиз маҳсулотни сифатли маҳсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.

5.4. «Таъминотчи» ўз вақтида буюртмада кўрсатилган маҳсулотни омборидан «Истеъмолчи»га ўз етказиб бермаса, агар бу томонларнинг келишувига асосан кўзда тутилган бўлса, «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га маҳсулотни кечиктириб етказган учун маҳсулотнинг умумий қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди.

5.5. «Таъминотчи»нинг ҳисоб-китоб фактурасида маҳсулот солинган қуттилар (тара)ни қайтарилиши қайд этилган бўлса, қутилар 3 кун ичида қайтарилиши керак. Акс ҳолда қутилар қийматидан қуйидагича жарима солинади: 30 кундан кечиктирилса 10%, 40 ва ундан ортиқ кун учун 20%.

6. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ.

6.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади.

6.2. Ушбу шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар тарафларнинг келишувига биноан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда, жавобгар жойлашган ҳудуднинг хўжалик суди орқали ҳал қилинади.

6.3. Ушбу шартномада назарда тутилмаган бошқа барча масалаларни тарафлар ЎзР Фуқаролик кодекси ва «Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги қонунга амал қилган ҳолда тартибга келтирилади.

7. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси қонунинг 122-моддаси ҳамда ЎзР Молия Вазирлигининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруғи билан тасдиқланган “Бюджет тизими бюджетларининг газна ижроси Қоидалари” (Адлия вазирлигида 2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан рўйхатдан ўтказилди)га асосан шартнома тегишли тартибда газначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ҳамда 31.01.2022 йилгача амалда булади.

7.2. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёзма равишда тарафлар томонидан тасдиқлангандан кейингина ҳақиқий деб ҳисобланади.

7.3. Моддаларни кўрсатувчи сўз боши шартнома матнини ишлатишда қулайлик яратиш учун қўйилган ва булар шартномани бошқача талқин қилишга асос бўлмайди.

7.4. Ушбу шартнома тарафларнинг барча шартларини акс эттирган.

7.5. Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган.

8. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Таъминотчи»

«Shavkat Gold Farm» МЧЖ

(ижрочининг номи)

манзили: Ромитан туман

Шурча Мустакиллик №26

тел\факс 98 774 03 89

х\р 20208000405035747001

«Микрокредитбанк» Ромитан филиали

МФО 00120 ИНН 306221725

ОКОНХ 41202

«Истеъмолчи»

Газли сахар касалхонаси
(бюджет маблағларини олувчи номи)

манзили : Газли шаҳри,

Амир – Темур кучаси, № 2 уй.

тел\факс 37-29-403, 37-29-185.

ш\хв 100022860062427073101054002

Тошкент шаҳар Марказий банк.

МФО 00014 ИНН 200978329

ОКОНХ 91511

Ромитан туман буйича


Ҳазначилик булинмаси

х\р 23402000300100001010

ИНН 201122919 МФО 00014

Раҳбар Ж.Ғазиев

(Ф.И.Ш.)




(имзо)



Ҳуқуқшунос (ИМЗО ва Ф.И.Ш.):

Ҳувоҳнома (Диплом) № ва берилган санаси:



Раҳбар Ф.Ҳасанов.

(Ф.И.Ш.)

(имзо)

Настоящее приложение является неотъемлемой частью

к договору № 6 от «11» 01. 2022 года

заключенным между Газли шахар касалхонаси

(наименование организации)

«Shavkat Gold Farm” МЧЖ

(наименование организации)

СПЕЦИФИКАЦИЯ

| Поставщик: «Shavkat Gold Farm” МЧЖ | | расч.счёт 20208000405035747001 | | | |
|--------------------------------------|---------------------------------------|---------------------------------------|--------|-----------|-----------|
| Банк Микрокредитбанк Ромитан филиали | | МФО 00120 | | | |
| ИНН 306221725 | | ОКОНХ 41202 | | | |
| Покупатель Газли шахар касалхонаси | | расч.счёт 100022860062427073101054002 | | | |
| Тошкент шахар Марказий банк | | МФО 00014 | | | |
| ИНН 200978329 | | ОКОНХ 91511 | | | |
| № | Наименование товара (продукции) | Ед. Измер | Кол-во | Цена | Сумма |
| 1 | Зардоблар (Илон захрига карши зардоб) | Уп | 1 | 2 000 000 | 2 000 000 |
| | Жами | х | х | х | 2 000 000 |

Сумма суз билан ёзилади: 2 000 000 (икки миллион) сум.


Поставщик
«Shavkat Gold Farm” МЧЖ
(наименование организации)
Газиев Ж.
(подпись и Ф.И.О. руководителя)

Место печати

Покупатель
Газли шахар касалхонаси
(наименование организации)
Ф.Р.Хасанов.
(подпись и Ф.И.О. руководителя)

Место печати